ЧЕТ ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ЎҚИТУВЧИ МАҲОРАТИ ВА МУЛЬТИМЕДИА ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

А.Л.Маматқулов, А.А.Норматов

Мақолада талабаларга чет тилини ўргатишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳақида сўз юритилади. Асосий эътибор мультимедиа таълим воситалари ва интернет материалларидан фойдаланишга қаратилган.

***Калит сўзлар**: чет тили амалий курси, мультимедиа, интернет, ўқитувчи маҳорати, мулоқот жараёни.*

В статье речь идёт об использовании современных педагогических технологий в обучении студентов иностранному языку. Основное внимание уделено использованию мультимедийных средств обучения и материалов интернета.

***Ключевые слова**: практический курс иностранного языка, мультимедиа, интернет, мастерство преподавателя, процесс общения.*

This article deals with the use of new pedagogical technology in the process of teaching students foreign languages. The main attention is paid to the use of technology of multimedia and internet materials.

***Key words**: practical course of foreign languages, multimedia, internet, skills of the teacher, communication.*

“Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875 сонли қарор юртимиз таълим тизимида хорижий тилларни ўргатиш ва ўрганишга янги йўл очиб берди. Ушбу қарор нафақат чет тилларини пухта эгаллаш учун муҳим омил бўлди, балки чет тили ўқитувчиси зиммасига янада маҳоратли, малакали бўлиш, ўз устида ишлаш ва дарс сифатини яхшилаш вазифасини ҳам қўйди [1]. Шу нуқтаи назардан ушбу мақолада француз тили оғзаки нутқига ўргатишда мультимедиа таълим воситалари, интернет материалларидан самарали фойдаланиш усуллари ва афзалликлари ҳақида тўхталамиз.

Маълумки, ҳар бир ўқитувчи дарсга тайёргарлик жараёнида мавзу моҳиятини яхши англаши, машғулотни услубий ва техник томондан таъминлаши зарурки, бу билан дарснинг ҳар жиҳатдан самарали бўлиши кафолатланади. Дарс машғулотларини сифатли ташкил қилишнинг эса кўплаб услублари мавжуд. Хорижий тилларни ўзлаштиришда ҳар бир талаба ўрганилаётган тилда кундалик ҳаёт, оила, ўқиш ва бошқа вазиятларда осон жумлалар тузиш, гапириш, тинглаб тушуниш ва ёзиш кўникмаларига тезроқ эга бўлишни хоҳлайди. Ўз навбатида ўқитувчи машғулот давомида талабага дарслик ва ўқув адабиётларидаги грамматик ҳамда лексик маълумотлар билан бирга, техник воситалар (мультимедиа воситалари, аудио-видео (CD/DVD) материаллар, интернет маълумотлари,тарқатма ва кўргазмали материаллар) ёрдамида хорижий тил муҳитини яратишга ҳаракат қилади. Бу эса ўзаро мулоқот жараёнини яратишда муҳим омилдир.

Чет тилларини ўрганишнинг умумевропа стандарти (CEFR) асосида тил кўникмаларини ҳосил қилишда, албатта, мультимедиа воситалари, интернет таълимий сайтларининг ўрни беқиёс. Чунки хорижий тилни ўрганишда ўрганувчи нафақат тилни, балки ундан кенг фойдаланишни, тили ўрганилаётган халқ маданияти, урф-одатларини билишни хоҳлайди. Бундай узоқ масофани эса интернет манбалари яқинлаштиради. Ҳозирги кунда француз тилини ўргатишда турли замонавий педагогик технологияларни ўзида мужассамлаштирган, хорижий тил ўқитиш методикаси асосида яратилган замонавий ўқув адабиётларидан фойдаланилмоқда. Жумладан, Alter Ego, Alter Ego+(1,2,3), Taxi, Féstival, Et Alors ва бошқалар. Ушбу адабиётларнинг таркибий қисмлари қуйидагилардир:

- ўқувчи-ўрганувчи китоби;
- аудио-видео материаллари (CD/DVD). Бу ўқув материаллари француздар томонидан ўқувчи китобидаги матнлар, диалоглар, турли вазиятлар ва машқлар асосида ижро этилган. Ўрганувчи бу материаллар ёрдамида ҳақиқий соф французча талаффузни осон ўзлаштириши мумкин;
- ўрганувчи талабанинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга мўлжалланган машқ китоби;
- ўқитувчига методик кўрсатма. Унда ўқитувчи дарс машғулотларига қандай тайёргарлик кўриши, уни олиб бориш усуллари ва методикаси аниқ кўрсатиб берилган [2.98].

Илгари машғулот учун қўшимча манбалар турли ўқув адабиётларидан ва ё кутубхоналардан излаб топилган бўлса, мультимедиа воситалари ва интернетнинг жадал ривожланиши натижасида кенг кўламдаги маълумотларни қидириш, топиш, сақлаш имкониятлари туғилдики, бу чет тили дарсларида мультимедиа воситалари ва интернет маълумотларидан фойдаланишни тақозо этади.

Хорижий тилларни, хусусан, француз тилини чет тили сифатида ўрганишда мультимедиа воситалари ва интернет манбаларини тавсифлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

- амалий ахборотлар – ўқитувчи ва талабага француз тили грамматикаси, фонетикасини ўзлаштиришга ёрдам берувчи турли методик сайтлар;

- дидактик манбалар - француз тилини ўрганишнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўргатувчи, шунингдек, ўқитишнинг технологик, дастурий таъминот воситалари;

- умумий манбалар асосида ўқитувчи дарс машғулотига мос келувчи қўшимча маълумотларни олиши ва қайта ишлаб фойдаланиши мумкин. Масалан, театр, музей ҳамда диққатга сазовор жойларга ташриф, атроф-муҳит, экологик муаммолар ва ш.к. материаллар;

- трансдисциплинар манбалар – турли интерактив фаолият турлари ва таълимий ўйинларни ўз ичига олувчи сайтлар;

- француз тилини чет тили сифатида (FLE) ўқитишнинг педагогик манбаалари – турли машқлар, матнлар, суҳбатлардан тўғридан-тўғри ёки мослаштирган ҳолда фойдаланиш;

- металингвистик манбалар – бунда ўқитувчи ва талаба мустақил равишда грамматик, лексик адабиётлардан, шунингдек, онлайн луғатлар ва таржимон дастурлардан фойдаланиши мумкин;

- метакогнитив манбалар - хорижий тилларни ўргатиш методологиясини ўрганишга доир материаллар [3.57].

Юқоридагилардан аён бўладики, мультимедиа воситалари ва интернет манбаларидан фойдаланиш француз тили ва маданиятини ўрганиш жараёнларига секин-аста кириб келмоқда ҳамда ўз самарасини бермоқда. Бошқача қилиб айтганда, ўқитувчида дарс машғулотларига оид интернет тармоғидан олинган турли тил ресурслари (грамматика, оғзаки ва ёзма машқлар, ҳужжатлар), турли маданий воситалар (шеърлар, қўшиқлар, адабиёт ва санъатга доир материаллар)ни юклаб олиш, дарс жараёнининг ўзидаёқ интернет манбаларидан фойдаланиш, шунингдек, ахборотларни ўзининг илмий-тадқиқот, илмий-услубий фаолиятида қўллаш ҳамда онлайн тарзда бошқа муассасалардаги ҳамкасблари билан мулоқотда бўлиш каби имкониятлар пайдо бўлади. Фан аспектларини модуллар асосида интернет тармоғига, муассаса порталига жойлаштириш талабаларга мустақил равишда ўрганиш имкониятини яратади.

Ўқув режасига мувофиқ биринчи босқичдан бошлаб чет тили амалий курси олиб борилади. Чет тили амалий курсига кирувчи гапириш аспекти ҳафтасига 4 соат қилиб белгиланган. Мана шу соатлар давомида талабада француз тилида гапириш кўникма ва малакалари шакллантириб борилади. Биринчи босқичда гапиришга ўргатишдаги мавзуларга эътибор қаратамиз: саломлашиш, учрашув, вақт ва йўналишни сўраш, меҳмонхонада жой банд қилиш, харид қилиш, таом буюриш, саёҳат давомидаги турли вазиятлар ва бошқалар. Ушбу мавзулар Alter Ego (méthode de français) дарслигида ўз аксини топади.

Шартли равишда гапириш аспектидаги бир мавзуни икки қисмга бўлиш мумкин: тилга оид биринчи ва французларнинг кундалик ҳаётига оид иккинчи қисм. Биз иккинчи қисмга эътибор қаратамиз.

Аввало, гапириш аспекти француз тилида гапириш, ўзаро мулоқотга киришишни мақсад қилиб қўяди. Қуйида мулоқотга киришишнинг уч хил шаклини кўриб чиқамиз:

1. Бирор нарсани биргаликда амалга ошириш:
   - On va au cinéma ce week-end? (Дам олиш куни кинога борамизми?)
   - Tu veux aller au stade?(Стадионга боришни хоҳлайсанми?)
2. Учрашув белгилаш:
   - Quand/A quelle heure est-ce qu'on se voit ? (Қачон/Соат нечада кўришамиз?)
   - Non, je ne suis pas libre demain soir... (Йўқ, эртага оқшомда мен бўш эмасман...)
3. Бирор йўловчидан йўналишни сўраш.
   - Ou est la poste s'il vous plait ? (Почта қаерда жойлашган?)
   - Vous allez tout droit et… (Тўғрига борасиз ва...)

Юқоридаги мулоқот шакллари мавзулар асосида олинган бўлиб, талабага фикрлаш, мулоқотга киришиш имкониятини яратади [4.68]. Талабада ушбу вазиятлардан бирор нарсани сўраш ёки маълумот бериш кўникмалари шаклланади. Ўқитувчи эса бу вазиятда кузатувчи сифатида талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб ишлаш ёки роль ижро этиш орқали баҳолаб боради. Шунга аҳамият бериш лозимки, талабалар мулоқотга киришиш жараёнида ёзма нутқдан фойдаланмасликлари, барчаси табиий ва тезкор амалга оширилиши за-

рур. Талабалар ўзаро мулоқот жараёнида француз маданияти, кундалик ҳаётига доир маълумотлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ўқитувчи эса суҳбатни бўлмаслиги, диққатни тортмаслиги зарур. Талаба томонидан йўл қўйилган қўпол грамматик, лексик ва фонетик хатолар суҳбат якунлангач таҳлил қилиниши лозим. Усулнинг афзаллиги шуки, талаба француз тилида гапириш қоидаларини ўрганади, гапиришга қизиқиши ортади ва ўзига ишончи мустаҳкамланиб боради.

Француз тилшунослари Ф. Цикурель, Е.Педоянинг таъкидлашларича: “Мулоқот қилишни ўрганиш, нафақат хорижий тил фонетик, орфографик, морфологик, синтактик қоидаларини ўрганиш ва луғат бойлигини ошириш, балки мулоқот қилиш орқали шу тилда гаплашувчи халқларнинг ижтимоий-лингвистик қонуниятлари, маданий ҳаётини ҳам суҳбат жараёнига олиб киришдир” [5.24].

Компьютер, интернет каби воситалар таълим жараёнига кириб келгунига қадар хорижий тил ўқитувчиси мавзуга оид материални излаб топиши, кўчириб олиши ва шундан сўнг дарс машғулотига олиб кириши мумкин эди. Баъзан эса куннинг муҳим воқеаларига асосланган маълумотларни ўз вақтида топиш ёки масофа узоқлиги туфайли олиш имконияти йўқ эди. Бугунги кунда эса барчаси замонавий таълим воситалари (компьютер, мультимедиа, интернет) ёрдамида жуда осон ва қулай кўриниш касб этди. Француз тили дарсларида турли таълимий сайтлар ва дастурий таъминотлар воситасида тегишли маълумотларни олиш, машғулотга доир мустаҳкамловчи машқларни талабаларга бериш имконияти ошди. Қуйида “Савдо марказидан ҳарид қилиш” мавзуси бўйича баъзи кўрсатмаларни бериб ўтамиз.

Биринчи навбатда ўқитувчи интернет тармоғидан олинган Париждаги Le Printemps, Les Galeries Lafayette, Le Bon Marché каби савдо марказларининг тақдимотлари ва қисқа саёҳат роликлари намойиши орқали қуйидаги шаклда саволлар тузишни таклиф қилади:

- Ou va-t-on faire du shopping? (Харид учун қаерга борамиз?)
- Qui va faire des courses avec moi ? (Ким мен билан харид қилишга боради?)
- A quelle heure ? (Соат нечада?)
- Qu’est-ce qu’on va acheter ?... (Нима сотиб оламиз?...)

Аввалги мисолимиз талабаларнинг гапириш давомида тил кўникмаларига эга бўлишига қаратилган бўлса, бунда талабада худди савдо марказида юргандек таассуротга эга бўлиш имконияти ҳосил бўлди. Бу эса талабани янада изланишга, мулоқотга киришиш иштиёқини оширишга олиб келади. Ушбу вазиятда ўқитувчи шартли сотувчи ролини, талабалар эса харидор ролини ижро этишлари мумкин. Бунда ўқитувчи томонидан турли саволлар берилади ва талаба саволларга жавоб бериш орқали секин-аста мулоқот жараёнига кириб боради. Вазиятни мустақил равишда кундалик ҳаётга мослаштириш мумкинки, талабаларга бирор савдо марказидан харид жараёнини француз тилида тақдимот, видеоролик тарзида тайёрлаб келиш вазифаси берилиши мумкин.

Ғарб тилшунослари томонидан яратилган илмий-методик адабиётлар тил ўрганувчининг ўрганган нарсасини кундалик ҳаётда қўллаш, хато ва камчиликларини мустақил тузата олишга ўргатади. Бу эса ўрганишнинг “learning by doing” (“бажариб ўрганиш”), яъни ҳаракат, тажриба, муаммони ҳал этиш омилини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, нутқ фаолиятининг тўрт (гапириш, ёзиш, тинглаб тушуниш, ўқиш) турига мос кўникма ва малакаларни шакллантиришда мультимедиа таълим воситалари ва интернет манбаалари алоҳида ўрин тутади. Ёшларимизнинг жаҳон миқёсида муносиб ўрин эгаллашлари, хорижий миллат вакиллари билан мулоқотга кириша олишлари юртимиз тараққиётини белгиловчи асосий омиллардандир. Бу, албатта, таълим муассасаларида чет тилларини янада сифатли ўргатиш масъулиятини юклайди.

Адабиётлар:

1. “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги ПК-1875 сонли қарори.- Т, 2012 йил 10 декабрь.
2. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: Учеб. пособие для студентов пед. вузов и системы повышен. квалификации. пед. кадров. – М.: Академия, 2000
3. Bolton S. Evaluation de la competence communicative en langue, Credif-Hatier, 1987
4. Mc Laughlin B., Theories of second Language Learning, Edward Arnolds, London, 1987
5. Widdowson H.G., Une approche communicative de l’enseignement des langues, Hatier-Credif, LAL, 1986

Андижон давлат университети,
2016 йил 25 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. А.Мамадалиев)